

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

СОБИРОВ БОБУР БАХТИШОДОВИЧ

**ТУРИСТИК ҲУДУД РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Собиров Бобур Бахтишодович

Туристик ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг методик асосларини
такомиллаштириш 3

Собиров Бобур Бахтишодович

Совершенствование методических основ повышения конкурентоспособности
туристских регионов 29

Sobirov Bobur Baxtishodovich

Improving the methodical framework for increasing the competitiveness of the
tourist region 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

СОБИРОВ БОБУР БАХТИШОДОВИЧ

**ТУРИСТИК ҲУДУД РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ
МЕТОДИК АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Iqt689 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.sies.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Алимова Машхура Тоирхоновна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Навруз-зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Сафаров Баходирхон Шахриёрович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил « 9 » 18 куни соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация иши билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-19-84; Факс: (99866) 231-12-53, e-mail: sies_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « 24 » 18 куни тарқатилди
(2021 йил « 24 » 18 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



М.Э. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Н.Э. Ибадуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

М.М. Мухаммедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Туризм охириги йигирма йил давомида жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида қайд этилиб, унга мансуб бўлган ўсиш суръатлари ва жаҳон макроиқтисодий кўрсаткичларидаги улуши келажак индустрияси сифатида эътироф этилишига сабаб бўлди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотларига кўра, 2019 йилда «халқаро туристик ташрифларнинг 49 фоизи Франция, Испания, АҚШ, Хитой, Италия, Туркия, Мексика, Германия, Таиланд, Буюк Британия ҳиссасига тўғри келган»¹, ҳамда туристик салоҳиятга эга бошқа туристик ҳудудлар халқаро туризм бозорининг қолган улуши учун кескин рақобат курашида қатнашиб келмоқда.

Жаҳонда пост-пандемия шароитида туризм соҳасини қайта жадал ривожлантириш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги мавқеини тиклаш масалаларига бағишланган замонавий илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли иқтисодиёт муҳитида туристик ҳудуд салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини жалб қилиш асосида унинг рақобатбардошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш нуктаи назаридан ушбу масаланинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги кунда долзарблиги билан ажралиб туради.

Соҳада кузатилган тенденциялар юқори туристик салоҳиятга эга Ўзбекистонда туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларга асос бўлди ҳамда 2019 йилда мамлакатга 6,7 млн туристик сафар, охириги уч йил мобайнидаги йилига ўртача 40 фоиз ўсиш кўрсаткичларини таъминлаб берган қулай институционал ва ижтимоий-иқтисодий муҳитни яратди. 2020 йилда пандемиянинг глобал таъсири жаҳон туризм индустриясининг иқтисодий инқирозга юз тутишига сабаб бўлди ҳамда соҳанинг кейинги ривожланиш тенденцияларида кескин рақобат муҳитига асос солди. Бугунги кунда «туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш, юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш, шунингдек, мамлакатда санитария-эпидеиологик вазият яхшиланишига қараб туризм соҳасини жадал қайта тиклаш»² соҳада шиддат билан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-

¹ Global Economic Impact & Trends 2020, p. 3 // <http://www.unwto.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 май 2020 йилдаги ПФ-6002-сон «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/ru/>

тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини ақс эттириш бўйича чоратадбирлар»и, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 828-сон «Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли ижтимоий-иқтисодий тизимларда рақобат ва рақобатбардошликнинг назарий-методологик жабҳалари И.Ансофф, Н.Г.Агеева, А.Юданов, Ф.А.Хайек, Ж.Ламбен, М.Мескон, В.Ойкен, М.Портер, Р.Урсе, Д.Харрингтон, Ф.Хедоури, Э.Чемберлен, И.Шумпетер, Л.Н.Сафиуллин, Н.З.Сафиуллин, М.Г.Долинская, И.А.Соловьев, Р.А.Фатхутдинов, Н.С.Яшин³ каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Туристик ҳудуднинг илмий-назарий моҳияти, уни ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари, шунингдек туристик ҳудуд рақобатбардошлиги, уни баҳолаш ва оширишнинг назарий-методологик жабҳалари В.И.Азар, И.Т.Балабанов, А.Ю.Александрова, В.С.Боголюбов, М.Б.Биржаков, А.Б.Здоров, Н.Б.Зорин, В.А.Квартальнов, Ритчие Ж.Б., Сроуч Г.И., Двер Л., Ким С., Ҳанафиаҳ М.Ҳ., Ҳемди М.А., Аҳмад И., Вавра Т.Г., Матзлер К., Сауэрвэин Э., Ҳеисчмидт А., Фукс М., Вэирмаир К., Козак М., Риммингтон М., Сэрнат Л., Гоурдон Ж., Горучурн Н., Сугиярто Г., Суссулелли М., Гоффи Г. Мендола Д., Воло С., Милисэвис К., Михалис Т.,

³Ансофф И. Стратегическое управление – М.: Экономика, 1989, 519с.; Агеева Н.Г.Справочник по конкуренции и конкурентоспособности. – Курган:Изд-во КГУ, 2002., 121с.; Юданов А. Конкуренция: теория и практика: Учеб. пособие, 3-е изд. / А. Юданов – М.: Гном-Пресс, 2002. Хайек Ф. А. Дорога к рабству М.: Новое издательство, 2005. – 264 с.; Портер М. Конкуренция. – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2000; Портер М. Конкурентное преимущество: Как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / пер. с англ. Е. Калининой. – М.: Альпина Паблишер, 2008; Долинская М.Г. Маркетинг и конкурентоспособность промышленной продукции / М.Г. Долинская, И.А. Соловьев - М.: Изд-во стандартов, 1991; Завьялов П. Конкурентоспособность и маркетинг / П. Завьялов // Российский экономический журнал. - 1995. - № 12. - С. 50; Яшин Н.С. Конкурентоспособность промышленного предприятия: Методология, оценка, регулирование / Н.С. Яшин - Саратов: Изд. СГЭА, 1997.; Сафиуллин Л.Н., Сафиуллин Н.З. Конкурентоспособность: теория и методология/Монография. – Казань: Центр инновационных технологий, 2008.; Фатхутдинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации. (3-е изд.) //Р. Фатхутдинов // М.: Маркет ДС, 2008, 432с.; Пилипенко И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы. – Смоленск: Ойкумена, 2005.

Север И., Сривихок А., Интрапаиро А. Триснавати Р.⁴ каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришга оид ҳудудий ёндашувлар, туристик ҳудуд ва унинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари Б.Н.Навруз-Зода, Н.С.Ибрагимов, Н.Т.Тухлиев, М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, Д.Х.Асланова, Б.Х.Тўраев, О.Х.Хамидов, М.Т.Алимова, Б.Ш.Сафаров, З.О.Рахимов, Г.А.Алимова, З.И.Усманова⁵ каби иқтисодчи олимлар илмий ишларида кўриб чиқилган.

⁴ Азар В.И. Экономика и организация туризма. - М.: Экономика, 2003. – 322 с.; Александрова А.Ю. Международный туризм. - М.: Аспект Пресс, 2002. – 346 с.; Боголюбов В.С. Экономика туризма: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: «Академия», 2005. – 192 с.; Биржаков М.Б. Введение в туризм: изд. 9-е, перераб. и доп. СПб.: Издательский дом «Герда», 2007. – 576 с.; Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.; Дмитриев М.Н., Забаева М.Н. Экономика и предпринимательство в социально-культурном сервисе и туризме: учебник. М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2006. – 310 с.; Здоров А.Б. Экономика туризма. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2005. – 272 с.; Зорин И.В., Квартальнов В.А. Энциклопедия туризма: справочник –М.: Финансы и статистика, 2000.- 368 с.; Ritchie J.B., Crouch G.I. A Model of Destination Competitiveness and Sustainability /Wang Y., Pizam A. (eds.)//Tourism Destination Marketing and Management:Theories and applications.-2011.-P.326-339.; Dwyer L., Kim C. Destination competitiveness: Determinants and indicators//Current issues in Tourism.-2003.-Vol.6-No.5.-P.369-414.; Hanafiah M.H., Hemdi M.A., Ahmad I. Reflections on Tourism Destination Competitiveness (TDS) Determinants//Advanced Science Letters.-2015.-Vol.21.-No.5-P.1571-1574.; Vavra T.G. Improving Your Measurement of Customer Satisfaction: A Guide to Creating, Conducting, Analyzing and Reporting customer Satisfaction Measurement Program. Milwaukee.-WI:ASQC Quality Press,1997; Matzler K., Sauerwein E., Heischmidt A. Importance –performance analysis revisited: The role of the factor structure of customer satisfaction//Service Industries Journal.-2003.-№23 (2).-P.112-129.; Fuchs M., Weirmair K. Destination benchmarking: An indicator-system’s potential for exploring guest satisfaction//Journal of Travel Research.-2004.-№42 (3).-P.212-225.; Kozak M., Rimmington M. Measuring tourist destination competitiveness: Conceptual considerations and empirical findings// International Journal of Hospitality Management.-1999.-№18 (3).-P.273-283; Cernat L., Gourdon J. Paths to success: Benchmarking cross-country sustainable tourism//Tourism management.-2012.-Oct.-Vol.33.-No. 5.-P.1044-1056.; Gooroochurn N., Sugiyarto G. Measuring Competitiveness in Travel and Tourism Industry.2004 [Электронный ресурс] <http://www.nottingham.ac.uk>; Cucculelli M., Goffi G. Does sustainability enhance tourism destination competitiveness? Evidence from Italian Destinations of Excellence// Journal of Clear Production.-2015.-P.1-13.; Mendola D., Volo S. Building composite indicators in tourism studies: Measurements and applications in tourism destination competitiveness//Tourism Management-2017.-Apr.-Vol.59.-P.541-553.; Milicevic K., Mihalic T., Sever I. An Investigation of the Relationship Between Destination Branding and Destination Competitiveness //Journal of Travel & Tourism Marketing.-2017.-Feb-mar.-Vol.34.-No.2.-P.209-221.; Srivihok A., Intrapairo A. Enhanced Classification Performances of Travel and Tourism Competitiveness Model with Feature Selection// Advanced science letters.2015.-Vol.21.-No.10.-P.3170-3174.; Trisnawati R. Analysis of the competitiveness tourism industries incising the local economy (The comparative study analysis of the competitiveness tourism between Surakarta and Yoguakarta [Electronic resource] /R. Trisnawati//Economic Journal of Emerging Markets.-2008.-№ 2(13).

⁵ Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги Монография. Бухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурдона нашриёти, 2017 – 156 б.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006. – 424 с.; Тухлиев И.С., Кудратов Ф.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш. Дарслик. -Т.: “Iqtisod-Moliya” нашриёти, 2010. – 238 б.; Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. “Зарафшон” нашриёти. 2017. – 300 б.; Асланова Д.Х. Региональный туристский кластер: сущность и проблемы его эффективного функционирования. Монография. / Д.Х.Асланова, М.Т.Алимова, З.И.Саггарова. – Самарканд: Zarafshon, 2017. – 225 с.; Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.:«Фан», 2009. – 154 с.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристических услуг Узбекистана: дисс...канд. экономических наук. -С.:СамИСИ, 2006. -155 с.; Voltabayev M.P, Tuxliyev I.S. Turizm: nazariya va amaliyot. –Т.: «Fan va texnologiya», 2018, - 400 б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарканд вилояти мисолида): иқтисодийёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари // Монография. - Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016. - 184 б.; Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш (Самарканд

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқотлари ушбу йўналишда қилинган илмий ишлар ичида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Аммо ҳар бир муаммо муайян замон ва макон учун ўзгача ечимни талаб этади. Юқорида қайд этилган фикрлар тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, ПЗ-20170929749-сонли «Самарқанд вилоятида туристик эркин иқтисодий ҳудудни яратиш стратегияси» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида туристик ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– «туристик ҳудуд», «туристик минтақа», «туристик зона», «дестинация» категорияларининг моҳиятини назарий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда муаллиф қарашларини шакллантириш;

– иқтисодчи олимларнинг «рақобатбардошлик», «туристик ҳудуд рақобатбардошлиги» тушунчасига ишлаб чиқилган таърифларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида муаллифлик таърифлари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш;

– туризм тизимида рақобатбардошликнинг тузилмавий таҳлилинини амалга ошириш;

– туристик ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича хорижий тажрибани тадқиқ этиш;

– туристик ҳудудлар рақобатбардошлигини баҳолашнинг назарий-методик асосларини тадқиқ этиш;

– иқтисодий-математик усуллар ёрдамида туристик ҳудудлар глобал рақобатбардошлиги омилларини таҳлил қилиш;

– алоҳида туристик ҳудудларда туризм соҳасининг ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини таҳлил қилиш;

– ҳалқаро туризм бозорида алоҳида мамлакатлар туристик маҳсулотларига талабнинг шаклланишига мазкур мамлакатни рақобатбардошлик омилларининг таъсирини баҳолаш асосида талабни прогнозлаштириш;

– алоҳида ҳудудларда туристик зоналар ва тематик кластерларни шакллантириш асосида туристик ҳудудни рақобатбардошлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

шаҳри мисолида): и.ф.н.... диссертация. - С.: СамИСИ, 2012.; Алимова Г.А. Рекреацион-туристик салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш (Тошкент вилояти мисолида): и.ф.б. Фалсафа доктори PhD диссертация. - Т.: ЎЗМУ, 2019.; Усманова З.И. Ўзбекистонда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари: и.ф.б. Фалсафа доктори PhD диссертация. - С.: СамИСИ, 2018.

– рақамли иқтисодий шакллантириш шароитида туристик ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш услубларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– туристик ҳудуд рақобатбардошлигини баҳолаш услубларини такомиллаштириш бўйича илмий-услубий ва илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси алоҳида туристик ҳудудларида юритилган хўжалик жараёнлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети туризм бозорида рақобатбардошликни ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуасидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик усуллар, жумладан, регрессион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«туристик дестинация» тушунчасининг моҳияти унинг туристик ҳудуддан фарқли рақобатбардош истеъмол қиймати ва жозибador туристик ресурс салоҳиятига эгаллиги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

туризм соҳасида рақобатбардошликнинг мега-, макро-, мезо-, микро-даражадаги тизимли-тузилмавий моҳияти ва уни таъминлашда синергетик самарани асослаш орқали туристик ҳудуд рақобатбардошлиги модели такомиллаштирилган;

туристик ҳудудга тегишли ишбилармонлик муҳити, халқаро очиклик, туристик инфратузилма, табиий ва маданий ресурслар салоҳияти, нарх бўйича рақобатбардошлик индексларини мини-макс бўйича стандартлаш орқали интеграциялаш асосида туристик ҳудуд рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичини баҳолаш методикаси такомиллаштирилган;

туристик ҳудудлар ва мамлакат рақобатбардошлиги кўрсаткичларининг ҳудудий туристик мобиллик даражасига таъсирини инобатга олган ҳолда туристик оқимнинг ўрта муддатли истиқбол учун прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«туристик ҳудуд», «туристик дестинация» «туристик зона», «туристик минтақа» тушунчаларининг ўзаро боғлиқликдаги моҳиятини асослаш орқали такомиллашган таърифлари таклиф этилган;

Самарқанд шаҳри интерактив туристик харитаси дастурий таъминоти ва маълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилоятида ягона туристик ахборот тизимини шакллантириш, туристик интерактив ахборотлардан фойдаланиш инфратузилмасини мобил иловалар, туристик реестр, идоралараро электрон ахборот айрибошлаш қуйи тизимлари орқали такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилган;

алоҳида ҳудудларда туристик тематик кластерлар ва туристик зоналарни ташкил этиш концепцияси асосида туристик ҳудуд рақобатбардошлиги

механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлил жараёнида Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Туризм ва саёҳатлар бўйича Жаҳон Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, ишда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳудуд рақобатбардошлигини баҳолаш ва оширишнинг илмий-назарий, илмий-услубий натижалари бўйича олинган илмий хулосалардан ушбу йўналишга оид методологик-услубий аппаратни, алоҳида ҳудудлар рақобатбардошлигини оширишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, миллий туризм маҳсулотининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга ҳамда таҳлил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан туризм соҳаси субъектларининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, республикада алоҳида туристик ҳудудлар рақобатбардошлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини, ҳудудий маркетинг тадбирлари режасини, туризм соҳасини ривожлантириш самарали стратегиясини, туризм соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижроси мониторингини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туристик ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг методик асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«туристик дестинация», «туристик ҳудуд», «туристик зона», «туристик минтақа» тушунчаларининг такомиллаштирилган таърифларини мужассам этган илмий таклифлар 2020 йил 8 январдаги 06-01/426-сонли “2020-2022 йилларда Самарқанд туманининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни комплекс ривожлантириш Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 16 февралдаги 02-16-1612-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш алоҳида ҳудудлар бўйича туризм статистикасини ўзаро боғлиқликда юритиш имкониятини яратган;

туристик ҳудуд рақобатбардошлигининг такомиллаштирилган модели бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий ва илмий-амалий таклифлар Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2021 йил 16 февралдаги 02-16-1612-сонли маълумотномаси). Илмий

натижалардан фойдаланиш туризм соҳасини ривожлантириш дастурини амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, илм-фан ва таълим, хусусий бизнес ҳамкорлиги механизмини шакллантириш имкониятини яратган;

туристик ҳудуд рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичи ва уни баҳолаш методикаси бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий ва илмий-амалий таклифлар Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-16/4504-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш натижасида ҳудудларнинг туристик рақобатбардошлик рейтингидан келиб чиқиб, мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш имконияти кенгайган;

туристик ҳудудлар ва мамлакатлар рақобатбардошлиги кўрсаткичларининг ҳудудий туристик мобиллик даражасига таъсирини ҳисобга олувчи кирувчи туристик оқимнинг ўрта муддатли истиқбол учун прогноз параметрлари Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси амалиётида татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-16/4504-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш натижасида мазкур рақобатбардошлик индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини акс эттириш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 20 та халқаро илмий-амалий анжуманда ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 2 та илмий рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 12 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **туристик ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-методик асослари** тадқиқ этилган бўлиб, туристик ҳудудни тавсифловчи назарий ёндашувларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш

асосида «туристик ҳудуд», «туристик дестинация», «туристик зона», «туристик минтақа» тушунчаларининг ўзаро боғлиқликдаги моҳиятини тавсифловчи такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, туризм тизимида рақобатбардошликнинг мега-, макро-, мезо-, микро-даражадаги тизимли-тузилмавий таҳлили ва уни таъминлашда синергетик самарани асослаш орқали туристик ҳудуд рақобатбардошлигининг такомиллаштирилган модели таклиф этилган ҳамда туристик ҳудуд рақобатбардошлигини оширишнинг методик асослари хорижий тажриба асосида тадқиқ этилиб, туристик ҳудуд рақобатбардошлигини баҳолашнинг методик асослари илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган.

Туризм мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим ҳисобланиб, унинг ривожланиш қонуниятлари таркибий элементларининг яхлитликдаги хоссаларидан келиб чиқади ҳамда таркибий географик элементларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Диссертация ишида ватанимиз ва хорижий олимлар тадқиқотларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, туристик дестинация категориясининг мазмуни ва моҳиятини аниқлаштириш борасида тўрт хил ёндашувни, хусусан: иқтисодий-географик; маркетинг ва бошқарувга йўналтирилганлик; мижозга йўналтирилганлик; ижтимоий-маданий йўналтирилганлик нуқтаи назаридан ёндашувларни ажратиб кўрсатиш таклиф этилди (1-расм).



1-расм. Туристтик дестинациянинг иқтисодий категория сифатида шаклланиш модели⁶

Биринчи ёндашув географик (ҳудудий) жиҳатдан ташкил этишга асосланган бўлиб, бунда туристик дестинация маълум бир ҳудуд билан чегараланган ва туристик ресурсларга эга бўлган макон сифатида тушунилади. Мазкур йўналишда туристик дестинация туризм фанида

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

аввалдан мавжуд бўлган ва бугунги кунда амалиётда кенг фойдаланилаётган «туристик марказ», «туристик ҳудуд» тушунчалари билан кўп жиҳатдан мос келади.

Иккинчи ёндашув – миждозга йўналтирилган ёндашувни ифода этади. Мазкур ҳолатда туристик дестинация истеъмолчиларнинг маълум бир сегменти учун қизиқиш уйғотувчи жозибадорлик билан изоҳланади. Шу тариқа, кўпчилик сайёҳлар учун катта қизиқиш уйғотувчи ушбу ҳудуднинг туристик жозибадорлиги бирламчи аҳамият касб этади. Муаллифнинг фикрича, бундай ёндашув туристик дестинация тушунчасининг ўзига хослиги ва унинг «туристик марказ», «туристик ҳудуд» тушунчаларидан тубдан фарқловчи жиҳатларини кўрсатиб беради.

Учинчи ёндашувда туристик дестинация маркетинг ва бошқарувга йўналтирилганлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилиб, мазкур тушунча ҳудуднинг ресурс базасига маълум даражада таъсир кўрсатувчи, туристларнинг эҳтиёжларини юқори даражада қондиришга хизмат қилувчи туристик маҳсулотлар мажмуи сифатида кўриб чиқилади. Шунингдек, ҳар бир дестинация ҳудудий ривожланишнинг мақсадлари, манфаатлари, эҳтиёжлари, модел ва стратегияларини белгилаб берувчи ўзига хос жиҳатларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Туристик дестинация тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўлақонли тавсифлашда ҳудуднинг бренди ва имиджи тобора катта аҳамият касб этади.

Тўртинчи ёндашувда ўзаро ҳамкорликнинг янги қирраси «C2C» («Consumer to consumer» – «Истеъмолчи истеъмолчи учун»)ни кашф этган ҳолда, туристнинг туристик манзилгоҳларга ташриф буюриши асносида янгича тажриба ва ҳиссиётларни ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, турист туризм бозорида дестинацияни илгари суриш ва уни ривожлантиришда фаол иштирок этишига урғу берилади.

Шундай қилиб, туристик ҳудуднинг ўзига хослиги географик кўлами билан тегишли ҳудуднинг табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, этнографик, моддий-техник, сиёсий жабҳаларнинг хусусиятлари билан белгиланади ҳамда унинг жозибадорлиги ва рақобатбардошлиги туристик дестинация сифатида эътироф этилишида намоён бўлади.

Туристик дестинация – бу рақобатбардош истеъмол қийматига эга бўлиш асносида жозибадор туристик ресурс салоҳиятига эга бўлган ва туристларнинг барқарор оқимларини жалб қилувчи бошқарилувчи ижтимоий-иқтисодий ҳудудий тизимдир.

Демак, «туристик ҳудуд» «дестинация»нинг кўламига хос белгисини ифодалаб, ҳудудда туристик таклифнинг мажмуавий йиғиндиси туристик ҳудуд орқали ифодаланса, унинг жозибадор, рақобатбардош яхлит тизим сифатидаги моҳияти туристик дестинация мазмунида намоён бўлади.


Туристик зона ягона туристик мақсад асосида танланадиган территориял бирлик ҳисобланиб, унинг ташкилий-иқтисодий механизми ўзига хос институционал унсур ва воситаларга асосланиши мумкин.

Туристтик минтақа табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, этнографик, моддий-техник, сиёсий жабҳалари бир-бирига якин ҳамда ягона бошқарув ва логистика тизимига эга туристик ҳудудлар мажмуасидир.

Рақобат муносабатларининг турлича кўринишлари уч (микро, мезо ва макро) даражада намоён бўлади. Микродаражада маҳсулотларнинг аниқ бир турлари, маълум бир ишлаб чиқариш ва корхоналар ўзаро рақобатлашадилар. Мезодаражада ҳудудлар, тармоқлар, интеграциялашувнинг горизонтал типига мансуб бўлган корхона ва фирмаларнинг тармоқ корпоратив бирлашмалари, кластерлар ўзаро рақобат курашига киришадилар. Ўз ўзидан аёнки, макродаражада интеграцион алоқаларнинг тармоқлараро типига мансуб бўлган халқ хўжалиги мажмуалари рақобатлашади.

Ҳудуд миқёсидаги рақобат ўзига хос жиҳатларга эгалиги билан ажралиб туради, бунда турли даражадаги субъектларнинг горизонтал ва вертикал алоқалари яққол кўзга ташланади. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мазкур босқичида горизонтал ва вертикал алоқалар турлича кўриниш касб этади. Бу хил алоқалар баъзида шиддатли рақобат тусини олса, баъзи ҳолатларда эса ҳамкорлик ва шерикчилик кўринишини олади, ҳамда ҳудудий кластерларнинг шаклланишига шароит яратади.

Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги рақобат устунликларининг мавжудлиги ва рақобатбардошлик омиллари асосида мазкур устунликларни ярата олишига кўп жиҳатдан боғлиқ ҳисобланади (2-расм).



2-расм. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги устунликларининг ромби модели (М.Портернинг рақобат устунликлари ромби асосида тузилган)⁷

Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги М.Портернинг рақобат устунликлари ромбини ташкил этувчи тўртта ўзаро боғлиқ бўлган йўналишлар (омиллар, детерминантлар) орқали тадқиқ этилди.

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Туризм тизимида туристик ресурслар ва шарт-шароитлар – малакали кадрлар, илмий билимлар ва технология, иқтисодий ахборотлар, туризм инфратузилмаси, бозор инфратузилмаси, инвестицион иқлим ҳисобига шаклланади.

Иккинчи детерминант – аҳоли томонидан таъмин этилувчи ички ва ташқи талаб ҳисобланади. Бозорда муваффақиятли рақобат курашига киришиш учун етарли бўлган инвестициялаш ва инновацияларни жорий қилиш борасида дастлабки рағбатни таъмин этувчи детерминант – ички талабнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Ҳудуд рақобатбардошлигини белгилаб берувчи учинчи детерминант сифатида ўзак ёки бир-бирини қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги майдонга чиқади. Рақобатбардошлик ҳудудий ишлаб чиқарувчиларнинг кооперацияси, вертикал ва горизонтал интеграциялашган тармоқларга (кластерлар) тўғридан – тўғри боғлиқ.

Ҳудуд рақобатбардошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланувчи туристик ҳудудни ривожлантириш стратегияси тўртинчи детерминант ҳисобланади. Ташкиллаштириш ва самарали бошқарув тизими ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.



3-расм. Туризмнинг турли даражаларида рақобатнинг ўзаро боғлиқлик алоқаларининг концептуал модели⁸

Туризм ўзида кўп қиррали ва фавқулодда мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимни ифода этади. Шу боис, туризм соҳасидаги рақобатни ўрганишда уни микро, мезо, макро ва мега даражаларда ёндашган ҳолда тадқиқ қилиш ўринли бўлади (3-расм).

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Туризмда рақобатбардошлик мураккаб кўп босқичли тушунчани ифода этади. Туризм индустрияси дестинацияда рақобатбардош бўлиши учун, нафақат алоҳида туризм индустрияси корхоналари рақобатбардош бўлмоғи, балки туризм индустриясининг ривожланиш даражаси ҳам мувозанатлашган бўлиши лозим. Бу эса, ўз навбатида туризм индустриясининг микро, мезо ва макродаражасида синергетик самара юзага чиқиши лозимлигини, яъни туризм индустриясининг янги тизимли хусусиятларини шакллантириш зарурлигини билдиради.

Мезодаражада мувозанатлашган рақобатбардошликни шакллантириш туризм индустрияси корхоналарининг самарали ишлаши учун барқарор муҳитни таъмин этиб беради. Туристтик корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатишини таъмин этувчи ўзаро боғлиқ бўлган тармоқларнинг рақобатбардош кластери шаклландагина, туризмни ривожлантириш мумкин бўлади. Мазкур кластерни шакллантирувчи ўзаро боғлиқ бўлган тармоқ ва институтлар тизимининг юқори ривожланганлик даражаси кластерлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Демак, туризмда рақобатбардошликнинг объектив иерархик боғлиқлиги мавжуд бўлиб, унга кўра, мезо ва макродаражада рақобатбардош туризм индустрияси шакллантирилган ҳолатдагина, туризм индустрияси корхонасининг рақобатбардошлигини таъминлаш мумкин. Туристтик тизимнинг барча даражаларида рақобатбардошлик таъминланган ҳолатдагина, туристик тизим рақобатбардошлигининг синергетик самараси намоён бўла бошлайди.

Диссертациянинг «**Туристтик ҳудуд рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштириш**» деб номланган иккинчи бобида туристик ҳудудлар рақобатбардошлиги ҳамда унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири таҳлили, туристик ҳудуд рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларнинг иқтисодий-статистик таҳлили амалга оширилиб, туристик ҳудуд рақобатбардошлигини баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий ва илмий-услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Дунё мамлакатларининг туризм соҳаси рақобатбардошлигини ўлчаш ҳар йили Сайёҳлик ва туризм соҳаси рақобатбардошлиги ҳисоботини эълон қиладиган Женевадаги Жаҳон Иқтисодий Форуми томонидан амалга оширилади. Ҳисоботни тайёрлашда Гоороохурна и Сугиярта (Gooroochurn, Sugiyarto, 2005) томонидан таклиф этилган методологиядан фойдаланилади. Саёҳат ва туризм рақобатбардошлик кўрсаткичи (ТТСИ) ўн тўртта индексдан таркиб топган. Ушбу ўн тўртта индекс тўртта тоифага бўлиниб, шу асосда тўртта субиндекс ҳисоблаб чиқилади: I - Шароитлар ва имкониятлар; II - Туризм ва саёҳатларга оид сиёсат; III – Инфратузилма; IV – Табиий ва маданий ресурслар. Ўн тўртта индекс 90 та индикаторлардан таркиб топган.

Алоҳида 14 рақобатбардошлик индекслари бўйича давлатларнинг позициялари бўйича диссертацияда тўхталиб ўтилган.

**Туризм ва саёхатлар рақобатбардошлик индекси бўйича Топ-10
мамлакат**


2007			2012		
	ўрни	индекс қиймати		ўрни	индекс қиймати
Швейцария	1	5,63	Швейцария	1	5,66
Австрия	2	5,43	Германия	2	5,39
Германия	3	5,41	Австрия	3	5,39
Австралия	4	5,34	Испания	4	5,38
Испания	5	5,3	Англия	5	5,38
Англия	6	5,28	АҚШ	6	5,32
АҚШ	7	5,28	Франция	7	5,31
Швеция	8	5,27	Канада	8	5,38
Канада	9	5,26	Швеция	9	5,24
Франция	10	5,23	Сингапур	10	5,23
Ўзбекистон	90	3,62	Ўзбекистон	-	-
2016			2019		
	ўрни	индекс қиймати		ўрни	индекс қиймати
Испания	1	5,43	Испания	1	5,4
Франция	2	5,32	Франция	2	5,4
Германия	3	5,28	Германия	3	5,4
Япония	4	5,26	Япония	4	5,4
Англия	5	5,2	АҚШ	5	5,3
АҚШ	6	5,12	Англия	6	5,2
Австралия	7	5,12	Австралия	7	5,1
Италия	8	4,99	Италия	8	5,1
Канада	9	4,97	Канада	9	5,1
Швейцария	10	4,94	Швейцария	10	5
Ўзбекистон	-	-	Ўзбекистон	-	-

XXI асрда халқаро туризмнинг оммалашуви натижасида халқаро туризм бозоридаги рақобат кураши кескинлашди, янги дестинациялар вужудга келиб, мамлакатларнинг туризм ва саёхатлар бўйича халқаро миқёсдаги рақобатбардошлик позициялари ҳам ўзгариб борди. Аммо Туризм ва саёхатлар рақобатбардошлиги индекси бўйича рақобатбардош етакчи 10 та мамлакат халқаро туризм бозорида ўз позициялари учун кескин курашда кейинги 15 йил давомида ғолибликни қўлга киритмоқда (1-жадвал).

2019 йилда Туризм ва саёхатлар рақобатбардошлиги индекси 140 мамлакат учун баҳоланган. Бунда, туризм ва саёхатлар рақобатбардошлиги бўйича етакчи ўринларни Испания, Франция, Германия, АҚШ, Англия, Австрия, Италия, Канада, Швейцария каби давлатлар эгаллаган (4-расм).

Диссертацияда рақобатбардошлик индексларининг туристик мобиллик даражасига таъсири корреляцион-регрессион таҳлил усуллари ёрдамида баҳоланди.

Мазкур тадқиқотимиздан мақсад – халқаро туризм бозорида алоҳида мамлакатлар туристик маҳсулотларига талабнинг шаклланишига (кирувчи туристик оқим, туристик тушум ҳажмига) мамлакат рақобатбардошлик индексларининг таъсирини баҳолаш ҳамда шу асосида истиқболли талаб параметрларини аниқлаш ҳисобланади.



4-расм. Туризм ва саёҳатлар рақобатбардошлиги индекси-2019да етакчи мамлакатлар

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, миллий туристик маҳсулотларга истиқболли талабни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқиладиган моделнинг статистик танланмасига 70 та мамлакатнинг 2017-2019 йиллар давомидаги рақобатбардошлик кўрсаткичлари ҳамда ушбу мамлакатларда мазкур давр оралиғида кирувчи туристлар сони ва туризм соҳасидан кўрилган даромад ҳажми каби кўрсаткичлар киритилди.

Бунда натижавий кўрсаткичлар ҳисобланган «кирувчи туристлар сони» ва «туризм соҳасидан кўрилган даромад»га танланмага киритилган омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди (статистик танланмада кузатувлар сони $n=140$, омиллар сони $k=24$). Бунда омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашда корреляция-регрессия таҳлили усулларидадан фойдаланилди. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, моделimizга киритилган юқори аҳамиятли ва аҳамиятли омилларни алоҳида ажратиб кўрсатдик (2-5-жадваллар).

2-жадвал

1-Моделнинг тузилмавий таркиби⁹

Натижавий кўрсаткич (Y1) – кирувчи туристлар сони (минг киши)						
Аҳамиятли омиллар		Стандартлаштирилган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-статистика	p-қиймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	-54607,000	22733,755		-2,402	0,018
I ₁	Ишбилармонлик муҳити	-5435,273	3194,171	-0,199	-1,702	0,092
I ₂	Хавфсизлик ва ҳимоя	-1612,855	2105,302	-0,065	-0,766	0,445
I ₃	Саломатлик ва гигиена	-2033,652	2339,986	-0,083	-0,869	0,587
I ₄	Инсон ресурслари ва меҳнат бозори	7602,619	5055,510	0,191	1,504	0,136
I ₅	АКТдан фойдаланишга тайёрлик	-62,300	230,375	-0,017	-0,270	0,787
I ₆	Туризм ва саёҳатларга устувор аҳамият берилганлиги	3951,705	2188,193	0,146	1,806	0,074
I ₇	Халқаро очиқлик	3929,715	1766,145	0,180	2,225	0,028
I ₈	Нарх бўйича рақобатбардошлик	4738,305	1774,580	0,205	2,670	0,009
I ₉	Экологик барқарорлик	-894,861	2282,383	-0,030	-,392	0,696
I ₁₀	Ҳаво транспорти инфратузилмаси	2473,876	1781,382	0,164	1,389	0,168
I ₁₁	Ер ва порт инфратузилмаси	1933,522	1775,692	0,112	1,089	0,279
I ₁₂	Туристтик сервис инфратузилмаси	3753,318	1853,001	0,237	2,026	0,045
I ₁₄	Маданий ресурслар ва бизнес саёҳатлар	6393,667	942,192	0,591	6,786	8.07E-10
		$Y2 = -54607,000 + 7602,619 \times I_4 + 3951,705 \times I_6 + 3929,715 \times I_7 + 4738,305 \times I_8 + 2473,876 \times I_{10} + 1933,522 \times I_{11} + 3753,318 \times I_{12} + 6393,667 \times I_{14}$				

⁹ 1-5-жадвалларда келтирилган эконометрик моделлар муаллиф ишланмаси ҳисобланади

2-Моделнинг тузилмавий таркиби

Нативавий кўрсаткич (Y1) – кировчи туристлар сони (минг киши)						
Аҳамиятли омиллар		Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-статистика	p-қиймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	-59957,532	9419,045		-6,366	4,3E-9
TTCI	Туризм ва саёҳатлар рақобатбардошлик индекси	17538,171	2192,730	0,601	7,998	1,2E-12
$Y_1 = -59957,532 + 17538,171 \times TTCI$						

3-Моделнинг тузилмавий таркиби

Нативавий кўрсаткич (Y1) – кировчи туристлар сони (минг киши)						
Аҳамиятли омиллар		Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-статистика	p-қиймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	-24282,601	13359,557		-1,818	0,072
SI ₂	Туризм ва саёҳатларга оид сиёсат	-2674,346	3321,184	-0,056	-0,805	0,422
SI ₃	Инфратузилма	5775,578	1428,339	0,307	4,044	9,6E-5
SI ₄	Табиий ва маданий ресурслар	8432,270	1013,106	0,578	8,323	2,3E-13
$Y_1 = -24282,601 + 5775,578 \times SI_3 + 8432,270 \times SI_4$						

4-Моделнинг тузилмавий таркиби

Нативавий кўрсаткич (Y2) – туристик тушум (минг АҚШ долл.)						
Аҳамиятли омиллар		Стандартлаштирилмаган коэффициентлар		Стандартлаштирилган коэффициентлар	t-статистика	p-қиймат
		B	Стандарт хато			
	Константа	-31459,187	24926,957		-1,262	0,209
SI ₂	Туризм ва саёҳатларга оид сиёсат	-5229,006	6323,887	-0,069	-0,827	0,410
SI ₃	Инфратузилма	10083,772	2705,460	0,342	3,727	2,97E-4
SI ₄	Табиий ва маданий ресурслар	9209,041	1959,974	0,387	4,699	7,09E-6
$Y_2 = -31459,187 + 10083,772 \times SI_3 + 9209,041 \times SI_4$						

Шундай қилиб, 2-5-жадвалларда келтирилган эконометрик таҳлил натижаларига кўра мамлакатлар миллий туристик маҳсулотларига талабнинг ва туристик даромаднинг шаклланишида қуйидаги сифатий параметрлари аниқланди:

1. Мамалакат миллий туристик маҳсулотларига истиқболли талабнинг шаклланишига мазкур мамлакатни туризм ва саёҳатлар бўйича рақобатбардошлик кўрсаткичининг таъсири ижобий бўлиб, мазкур индекснинг бир бирликка ошиши талабнинг 17538 минг кишига кўпайишига шароит ва имконият яратади;

2. Истиқболли талабнинг шаклланишига «Инфратузилма» ва «Табиий ва маданий ресурслар» субиндексларининг таъсири аҳамиятли ҳисобланиб, уларнинг бир бирликка ошиши тегишли тартибда талабнинг 5775 ва 8432,3 минг кишига кўпайишига сабаб бўлади;

3. Худудий рақобатбардошликнинг алоҳида индексларини кўрадиган бўлсак, истиқболли талабнинг шаклланишига «Маданий ресурслар ва бизнес саёҳатлар» индексининг таъсири энг аҳамиятли ҳисобланиб, унинг бир бирликка ошиши талабнинг 9209 минг кишига кўпайишига хизмат қилади;

4. «Инсон ресурслари ва меҳнат бозори», «Халқаро очиклик», «Нарх бўйича рақобатбардошлик», «Ҳаво транспорти инфратузилмаси», «Ер ва порт инфратузилмаси», «Туристтик сервис инфратузилмаси», «Маданий ресурслар ва бизнес саёҳатлар» каби индекслар мамлакат миллий туристик маҳсулотларига истиқболли талабнинг шаклланишига таъсири нисбатан юқори аҳамиятга эга;

5. Туризм соҳасида даромадларнинг шаклланишига «Инфратузилма» ва «Табиий ва маданий ресурслар» субиндексларининг таъсири аҳамиятли ҳисобланиб, уларнинг бир бирликка ошиши тегишли тартибда туристик даромаднинг 10083 ва 9209 минг. АҚШ долл. кўпайишига сабаб бўлади.

Ҳудудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасидаги маҳаллий ва хорижий ёндашувларни ўрганиш ҳудудий туризм рақобатбардошлигини баҳолаш борасидаги машҳур услубиётларнинг аксарият қисмидан Ўзбекистон шароитида уларга муайян бир ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш орқали амалда кенг фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда туризмга оид статистиканинг юритилиши имкониятларидан келиб чиққан ҳолдаги туристик ҳудуд рақобатбардошлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ҳудудий туризм статистикаси бўйича юритиладиган методологик ёндашувлар ва маълумотларга асосланиб, туристик ҳудуд рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичини аниқлашда 4 та субиндексга интеграцияланувчи 83 та индексдан фойдаланишни таклиф этдик.

Диссертация тадқиқоти давомида туристик ҳудуднинг рақобатбардошлик кўрсаткичини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган. Қуйида туристик ҳудуднинг рақобатбардошлик кўрсаткичини аниқлаш тартиби таклиф этилган:

$$HR = W_{ir} \times IR + W_{tj} \times TJ + W_{ti} \times TI + W_{tr} \times TR, \quad 0 < HR < 5, \quad ^{10}(1)$$

Бунда:

HR – Ҳудуднинг рақобатбардошлик интеграл кўрсаткичи;

IR – 1-субиндекс: «Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати»;

TJ – 2-субиндекс: «Ҳудуднинг туристик жозибадорлиги»;

TI – 3-субиндекс: «Ҳудудий туристик инфратузилманинг ҳолати»;

TR – 4-субиндекс: «Ҳудуднинг туристик ресурслари салоҳияти»;

W – субиндекснинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни.

Интеграл кўрсаткичга киритилган ҳар битта субиндекснинг вазни уларга эксперт баҳолаш усули асосида балларни бириктириш орқали аниқлаш таклиф этилди. Экспертлар томонидан ҳар битта субиндекснинг интеграл кўрсаткичдаги аҳамияти 0-5 балл тизимида баҳоланган. Бунда ҳар бир субиндекснинг алоҳида экспертга тегишли ҳисобланган вазни қуйидаги формула орқали аниқланади:

¹⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

$$EV_{ij} = \frac{E_{ij}}{\sum_{j=1}^m E_{ij}}; \quad EV_{ij} > 0; \quad i = \overline{1, n}; \quad \sum_{j=1}^m EV_{ij} = 1, \quad (2)$$

Бунда:

EV – i -чи эксперт томонидан j -чи субиндексга белгиланган вазн;

E_{ij} – i -чи эксперт томонидан j -чи субиндекс вазнига берилган баҳо;

m – субиндекслар сони;

n – экспертлар сони.

Субиндексларнинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$W_j = \frac{\sum_{i=1}^n E_{ij}}{\sum_{j=1}^m \sum_{i=1}^n E_{ij}}; \quad W_j > 0; \quad i = \overline{1, n}; \quad \sum_{j=1}^m W_j = 1, \quad (3)$$

Бунда:

W_j – j -чи субиндекснинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни;

n – i -чи эксперт томонидан j -чи субиндексга белгиланган вазн;

E_{ij} – i -чи эксперт томонидан j -чи субиндекс вазнига берилган баҳо;

m – субиндекслар сони;

n – экспертлар сони.

$$SI_j = \frac{\sum_{k=1}^n V_k \times I_k}{\sum_{k=1}^n V_k}, \quad 0 < SI_j < 5, \quad (4)$$

Бунда:

SI_j – j -чи интеграл субиндекс («Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати»; «Худуднинг туристик жозибadorлиги»; «Худудий туристик инфратузилманинг ҳолати»; «Худуднинг туристик ресурслари салоҳияти») қиймати;

I_k – k -чи меъёрлаштирилган (стандартлаштирилган) индекс;

V_k – k -чи индекснинг интеграл субиндексдаги вазни;

n – кўрсаткичлар сони.

Интеграл субиндекслар («Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати»; «Худуднинг туристик жозибadorлиги»; «Худудий туристик инфратузилманинг ҳолати»; «Худуднинг туристик ресурслари салоҳияти») таркибига киритилган индекслар учун 1,0 қийматидаги тенг вазнлар ишлатилди. Бунда $\sum_{k=1}^n V_k = S_k$, интеграцияланувчи кўрсаткичлар умумий сонига тенг (SI_1 «худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати»; интеграл кўрсаткичда $\sum_{k=1}^n V_k = 16$, SI_2 «худуднинг туристик жозибadorлиги» интеграл кўрсаткичда $\sum_{k=1}^n V_k = 4$, SI_3 «худудий туристик инфратузилманинг ҳолати» интеграл кўрсаткичда $\sum_{k=1}^n V_k = 25$, SI_4 «худуднинг туристик ресурслари салоҳияти» интеграл кўрсаткичда $\sum_{k=1}^n V_k = 38$)

Маълумки, келтирилган туристик худуднинг рақобатбардошлигини баҳолаш индекслари турли хил ўлчов бирликлари ва ўлчамларга эга. Ушбу кўрсаткичларни интеграл кўрсаткичга киритишда иқтисодий статистикада меъёрлаштириш (стандартлаштириш) усулларидан фойдаланилади. Уларнинг ичида кенг тарқалган усуллардан бири – бу «минимакс» бўйича чизикли

¹¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

меъёрлаштириш усулидир. Шу сабабли, туристик ҳудуд рақобатбардошлигини баҳолаш учун келтирилган барча индекслар қуйида келтирилган формула ёрдамида меъёрлаштиришни таклиф этдик:

$$I_k = 4 \times \left(\frac{I_k - I_{\min}}{I_{\max} - I_{\min}} \right) + 1, \quad 0 < I_k < 5, \quad ^{12} \quad (5)$$

Бунда:

I_k – k -чи меъёрлаштирилган (стандартлаштирилган) индекс;

k_i – кўрсаткичнинг амалдаги қиймати;

k_{\max} – кўрсаткичнинг максимал қиймати;

k_{\min} – кўрсаткичнинг минимал қиймати.


Келтирилган усул ёрдамида туристик ҳудуд рақобатбардошлиги индекслари меъёрлаштирилди.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг туризм бўйича рақобатбардошлиги интеграл кўрсаткичи


Ҳудудлар	SI1	SI2	SI3	SI4	HR
Самарқанд вилояти	2,356	5,000	2,769	2,563	3,241
Тошкент шаҳри	4,037	3,677	2,973	2,387	3,227
Бухоро вилояти	2,509	4,199	3,114	2,661	3,162
Тошкент вилояти	2,240	3,343	3,242	2,090	2,740
Қашқадарё вилояти	1,712	3,424	2,131	2,530	2,449
Фарғона вилояти	1,840	3,180	2,322	2,171	2,416
Хоразм вилояти	1,948	3,696	2,006	1,740	2,387
Наманган вилояти	1,574	2,617	1,683	1,618	1,900
Сурхондарё вилояти	1,356	2,757	1,601	1,692	1,894
Андижон вилояти	1,846	2,096	1,491	2,006	1,875
Жиззах вилояти	1,230	2,368	1,661	1,607	1,751
Навобий вилояти	1,759	1,326	1,846	1,868	1,690
Қорақалпоғистон Республикаси	1,546	1,442	1,782	1,592	1,586
Сирдарё вилояти	1,308	0,822	1,259	1,215	1,136

Меъёрлаштирилган индекслар ҳамда уларнинг вазнлари қийматларидан фойдаланиб, ҳудудий рақобатбардошликнинг субиндекслари Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари учун баҳоланди. Шунингдек, ҳар бир ҳудуд учун, субиндекслар ва унинг интеграл кўрсаткич таркибидаги вазни қийматлари асосида, ҳудудий рақобатбардошлик кўрсаткичи аниқланди (6-жадвал, 5-6-расм.).



